

Сафар муддати қанча?

18:52 / 02.11.2017 6381

Савол:

Ассалому алайкум! Оилали эркакнинг сафар муддати узоғи билан қанча вақтгача бўлиши мумкин? Бир яқин акамизни ёшлари 27да, бўйдоқ, фарз амалларга риоя қиладилар қодир қилганича, кўпинча иш билан четда сафарда юрадилар. Уйланиб бир ойдан сўнг аёлларини оналари билан уйда қолдириб 3-4 ойлада 1-2 ҳафтага келиб турмоқчилар. Ҳозирда ўзлари билан олиб кетишга имкон йўқ, шу сабабдан уйланомай юрган эдилар. Бир икки йилдан кейин хужжатлар битгандан кейин олиб кетмоқчилар. Бу акамизни қилмоқчи бўлаётган ишлари маъқулми?

Жавоб:

["Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати](#)

Ва алайкум ассалом!

Кечани эр билан ўтказиш аёлнинг ҳаққи. Тўрт ойда бир марта бўлиш диёнатан вожиб. Аёл киши ўз ҳаққи борасида ихтиёрли, хоҳласа талаб қлсин, хоҳласа рухсат берсин. Қандай келишувга келишса, шаръан монеълик йўқ. Лекин эр бору ўзи йўқ қабилида муаллақ ҳолда ташлаб қўйиш жоиз эмас. Аллоҳ таоло “Нисо” сурасида марҳаат қилади:

لَكُمْ أُولِي مَمَالِكٍ مِّمَّنْ صَرَحَ وَلَوْ أَسْنَلْنَا نِيَبَ أُولَدُغَاتِنَا أَوْ عِي طَسَاتِنَ وَلَوْ
أَرُوغَاتِنَا كَاللَّانِ إِفْ أَوْ قَاتَاتٍ وَأَوْحَلْ صُرْتِنَا وَهَلْ غَمْلُ كَأَهْوَرَدَاتِ لِي مَلِّ
أَمْ يَحْر

129... Бас, бир йўла мойил бўлиб кетиб, уни (эри йўқолган) муаллақ аёлга ўхшатиб қўйманг. Агар ислоҳ этсангиз ва тақво қилсангиз, албатта, Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир.

«Бас, бир йўла мойил бўлиб кетиб, уни (эри йўқ) муаллақ аёлга ўхшатиб қўйманг».

«Муаллақ аёл» деб, хотин бўлиб хотин эмас, боши очиқ бўлиб, боши очиқ эмас, аросат бир ҳолда қолган аёлга айтилади. Эри сафарга кетиб, ғойиб бўлди. Эрим бор, деса, ўлигининг ҳам, тиригининг ҳам хабари йўқ. Эрим йўқ, деса, бор эди, талоқ ҳам қилмаган эди. Бундай муаллақлик азоб, шунинг учун ояти карима эрни бу масалада адолатли бўлишга чорламоқда.

«Агар ислоҳ этсангиз ва тақво қилсангиз, албатта, Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир».

Эр-хотинлик ишларида ҳам доимо ислоҳни кўзда тутиб, тақво билан иш юритиш лозим. Инсон ўзининг барча имкониятларини ишга солиб, оиласини бузмасликка, сақлаб қолишга ҳаракат қилиши керак. («Тафсири Ҳилол» китобидан). Валлоҳу аълам!